

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

33-сон
(1053)
2022 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

301. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги ЎРҚ–790-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

302. «Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги ПҚ–353-сон қарори

Бешинчи бўлим

303. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 18 июлдаги 33-сон «Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-

ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3379*)

304. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон «Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3380*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****301 Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 8 июлда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар (бундан буён матнда фавқулодда вазиятлар деб юритилади) — муайян ҳудудда одамлар қурбон бўлишига, одамларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий офат ёхуд бошқа офат натижасида, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши натижасида юзага келган вазиятлар;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 августда эълон қилинган.

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолишга ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорларини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар зоналарининг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар мажмуи;

фавқулодда вазият зонаси — фавқулодда вазият манбаи юзага келганлиги оқибатида одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши хавфи мавжуд бўлган ва (ёки) унинг таъсирида жиддий моддий талафотлар кўрилган, шунингдек одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ҳудуд;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар мажмуи, воситалар ҳамда усуллар тизими;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса одамларнинг ҳаётини асраб қолишга ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорларини камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуи.

4-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги;

ошкоралик;

ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилиши.

5-модда. Фавқулодда вазиятларнинг хусусияти

Фавқулодда вазиятлар рўй бериш манбаига қараб табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларга ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга бўлинади.

Одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга, одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган табиий офатлар (зилзилалар, сел, кўчкилар, сув тошиши ва бошқа хавфли табиий ҳодисалар), табиий ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, эпифитотиялар табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлардир.

Одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга, одамларнинг ҳаёт фаолияти

ти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган саноатдаги, транспортдаги авариялар ва бошқа техноген авариялар, ёнгинлар (портлашлар), кучли таъсир этувчи захарли, кимёвий, радиоактив ҳамда хавфли биологик моддаларнинг тарқалиши ёхуд тарқалиш хавфи билан боғлиқ авариялар, бинолар ва иншоотларнинг тўсатдан қулаши, тўғонларнинг, тозалаш иншоотларининг бузилиши, шунингдек одамларнинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи коммуникация тизимларидаги авариялар техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардир.

6-модда. Фавқулодда вазиятларнинг турлари

Фавқулодда вазиятлар жабрланган одамларнинг сонига, кўламига ва етказилган моддий зарарнинг миқдорига қараб локал, маҳаллий, республика миқёсида ҳамда трансчегаравий бўлиши мумкин.

2-боб. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

7-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга раҳбарлик қилиш

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга раҳбарлик қилиш:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири;

вазирликларда, давлат кўмиталарида, идораларда ва ташкилотларда — уларнинг раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, туманларда, шаҳарларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти тартибини белгилайди;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурсларнинг давлат захиралари яратилишини таъминлайди ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун жалб этиладиган кучлар ва воситаларнинг молиявий ҳамда моддий жиҳатдан таъминланишини, уларнинг махсус техника ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини ташкил этади;

фавқулудда вазиятларнинг рўй бериши сабабларини (манбаларини), кўламларини, жабрланган одамларнинг сонини, моддий зарарнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда, фавқулудда вазиятлар таснифини тасдиқлайди, шунингдек уларни бартараф этишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иштирок этиш даражасини белгилайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва ташкилотларнинг фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

фавқулудда вазиятларда жабрланганларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлайди;

фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш, одамларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулудда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ҳамда зарарни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган фавқулудда вазиятларни олдиндан прогноз қилади, фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир режаларни ишлаб чиқади;

фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадли дастурларнинг ишлаб чиқилишини ва илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ташқилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча ташкилотлар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режаларининг, низомларнинг, қоидаларнинг ва йўриқномаларнинг келишиб олинишини амалга оширади;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва ташкилотларнинг раҳбарларини, шунингдек фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун жалб эти-

ладиган кучларни фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳаракат қилишга тайёрлашни ташкил этади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун кучлар ва воситаларни бошқаришни амалга оширади, бошқарув пунктларини, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил этади;

фавқулодда вазиятлар шароитларида қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ташкил этади ҳамда амалга оширади, ёнгинларни бартараф этади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга доир тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий объектлар бўйича лойиҳалар ҳамда қарорларнинг давлат экспертизасини ўтказишда иштирок этади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида қарорлар қабул қилади;

аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ахборотни тўплашни ҳамда алмашишни, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида аҳолига ўз вақтида хабар беришни ва ахборот узатишни амалга оширади;

аҳолини хабардор қилиш ва аҳолига ахборот узатишнинг махсус техник воситаларини ўрнатиш учун жойлар, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эфир вақти ажратилишида махсус ваколатли давлат органига кўмаклашади;

маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятлар рўй берганда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг ҳудудий қўйи тизими учун юқори тайёргарлик режимини ёки фавқулодда вазият режимини жорий этиш ҳақида, шунингдек аҳолини хавфсиз жойларга эвакуация қилишга доир тадбирларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратади, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга доир тадбирларни молиялаштиришни амалга оширади;

фавқулодда вазиятлар оқибатида аҳолига етказилган зарарнинг ўрнини коплаш бўйича чоралар кўради;

ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларда ишлаш барқарорлигини оширишга кўмаклашади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун кучларнинг шайлиги устидан назоратни амалга оширади;

фавқулодда вазият зонасида қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмай-

диган бошқа ишларни амалга ошириш учун авария-қутқарув кучларининг (шу жумладан тезкор ҳаракат бўлинмаларининг) ва махсус тузилмаларининг доимий шайлигини ташкил этади;

қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ташкил этади ҳамда амалга оширади, шунингдек бундай ишлар ўтказилиши чоғида жамоат тартиби сақланишини ташкил этишга қўмаклашади;

фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ҳамда аҳолини муҳофаза қилиш учун барча ҳудудий кучлар ва воситаларни ишга солади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Давлат бошқаруви органларининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқаруви органлари:

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлайди;

ўз тасарруфидаги объектларда рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга, шу жумладан одамларнинг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид солувчи касалликларнинг кенг тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади;

ўз тасарруфидаги объектларнинг фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳаракат қилишга шайлигини таъминлайди;

тармоқнинг ва ўз тасарруфидаги объектларнинг фавқулодда вазиятлар шароитларида барқарор ишлашини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

ўз тасарруфидаги объектларда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисидаги ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақидаги ахборотни махсус ваколатли давлат органига тезкорлик билан киритади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режаларини, низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни келишиб олиш учун махсус ваколатли давлат органига тақдим этади;

ўз тасарруфидаги объектларнинг ходимларини фавқулодда вазиятлардаги муҳофазаланиш усулларига ва ҳаракатларга ўргатади;

ўз тасарруфидаги хавф даражаси юқори бўлган объектларда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида аҳолига хабар беришнинг ва аҳолини хабардор қилишнинг ички ҳамда объектга оид автоматлаштирилган тизимларини яратади ва уларни доимий шай ҳолатда сақлаб туради;

аҳолининг ва ҳудудларнинг муҳофаза қилинганлик ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади, шунингдек аҳолига ва тармоқ ходимларига фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида тезкорлик билан хабар беради;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ва молиявий ресурслар захираларини яратади, ушбу мақсадлар учун ҳар йилги ажрат-

маларни белгилайди ҳамда марказлаштирилган таъминотни амалга оширади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир режаларга мувофиқ ўз тасарруфидаги ишлаб чиқариш объектларида ва ижтимоий объектларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда қутқарув ишларининг ҳамда кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларнинг ташкил этилиши, молиялаштирилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда уларнинг ходимларини фавқулодда вазиятлар шароитларида ўз фаолиятини давом эттириши таъминланадиган пунктларга эвакуация қилиш тадбирларини амалга оширади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун жалб этиладиган махсус кучлар ва воситаларнинг ташкил этилишини, тайёргарлигини ҳамда шай ҳолатда сақлаб турилишини таъминлайди;

ўз тасарруфидаги объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш чоғида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларига доир талабларнинг бажарилишини назорат қилади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чоғида ҳалок бўлган ёки жабрланган ходимларга компенсациялар тўлайди;

бошқа давлат бошқаруви органлари билан фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорликни амалга оширади.

Давлат бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат бошқаруви органлари ўз тасарруфидаги ўта муҳим, тоифаланган ҳамда потенциал хавф манбаи бўлган объектларда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг штат лавозимларини жорий этади. Бошқа объектларда масъул шахслар тайинланади.

12-модда. Ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ташкилотлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисида, уларнинг рўй берганлиги, шунингдек зарур хавфсизлик ва муҳофаза чоралари ҳақида хабардор бўлиш;

давлат бошқаруви органларига фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалалари юзасидан мурожаат этиш ва ҳамкорлик қилиш;

зарур бўлганда, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун давлат органларидан, шунингдек бошқа ташкилотлардан молиявий ресурсларни ҳамда кучлар ва воситалар ресурсларини сўраб олиш.

Ташкилотлар:

ходимларни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштириши, молиялаштирилиши ва амалга оширилиши;

хавф даражаси юқори бўлган объектларнинг хавфсизлик декларациясини ишлаб чиқиши ва тақдим этиши;

ходимларни фавқулодда вазиятлар шароитларидаги муҳофазаланиш усулларига ва ҳаракатларга ўргатиши;

хабар беришнинг автоматлаштирилган ички ва объект тизимларини яратиши ҳамда доимий шай ҳолатда сақлаб туриши ва фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида ходимларга ўз вақтида хабар бериши;

фавқулодда вазиятлар шароитларида объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини ва ходимларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаши;

зарур бўлганда, муҳандислик-ҳимоя иншоотларининг олдиндан қурилишини таъминлаши ва уларни доимий шай ҳолатда сақлаб туриши;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиши;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун жалб этиладиган кучлар ва воситаларни яратиши, уларнинг тайёргарлигини ҳамда шай ҳолатда сақлаб турилишини таъминлаши;

махсус ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмасини ўз ҳудудида фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида тезкорлик билан хабардор қилиши;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларига мувофиқ ўз тасарруфидаги объектларда авария-қутқарув ишлари амалга оширилишини таъминлаши;

ихтисослаштирилган қутқарув хизматларини ва қутқарув тузилмаларини белгиланган тартибда ташкил этиши, уларни шахсий таркиб, техника ва мол-мулк билан бутлаши;

эвакуацияга оид тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириши ва одамларни жойлаштириш учун олдиндан жойларни тайёрлаши;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ахборот тақдим этиши;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чоғида ҳалок бўлган ёки жабрланган ходимларга компенсациялар тўлаши шарт.

Ташкилотлар қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

3-боб. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиши

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи:

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга кўмаклашади;

фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларига фуқароларни жалб этади;

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

14-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиши

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиши;

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этиши;

фавқулудда вазиятлар манбалари ҳамда уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, шунингдек ташкилотлардан ахборот олиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

15-модда. Оммавий ахборот воситаларининг фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиши

Оммавий ахборот воситалари:

фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир тадбирларни ёритади;

фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб қилишда иштирок этади;

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Оммавий ахборот воситалари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

4-боб. Фуқароларнинг фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16-модда. Фуқароларнинг фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фавқулодда вазият рўй берганда ҳаёти, соғлиғи ва шахсий мол-мулкнинг муҳофаза қилиниши;

умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган бошқа мол-мулкдан фойдаланиш;

мамлакат ҳудудининг муайян жойларида бўлганда улар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражаси тўғрисида ҳамда зарур хавфсизлик чоралари ҳақида хабардор бўлиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалалари юзасидан давлат органларига мурожаат этиш;

фавқулодда вазиятлар зоналарида ишлаганлиги учун бепул тиббий хизмат, компенсациялар ва бошқа имтиёзлар олиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жараёнида мажбуриятларини бажариш чоғида ўз соғлиғига етказилган зарар учун компенсациялар ва имтиёзлар олиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида орттирган касаллиги муносабати билан меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда, ногиронлиги меҳнатда майиб бўлиш оқибатида келиб чиққан ходимлар учун белгиланган тартибда пенсия таъминотини олиш;

боқувчисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида орттирган майиблик ёки касалликдан ҳалок бўлганлиги ёки вафот этганлиги муносабати билан йўқотганда, меҳнатда майиб бўлиш туфайли ҳалок бўлган шахснинг оила аъзолари учун белгиланган тартибда пенсия таъминотини олиш.

Фуқаролар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат ижтимоий суғуртаси тартиби ва шартлари, компенсациялар ҳамда имтиёзларнинг турлари ва миқдорлари қонунчиликда белгиланади.

17-модда. Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Фуқаролар:

хавфсизлик чораларига риоя этиши, ишлаб чиқариш интизомининг ва технологик интизомнинг, экологик хавфсизлик талабларининг фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган бузилишларига йўл қўймаслиги;

фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишнинг асосий усулларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўллариини ўрганиши ҳамда ўз билимлари ва амалий кўникмаларини такомиллаштириши;

фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, офатлар, ҳалокатлар ва ёнғинлар хавфидан дарак берувчи аниқланган аломатлар тўғрисида тегишли органларни хабардор қилиши;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи шароитларидаги ва фавқулодда вазиятлар рўй берган шароитлардаги огоҳлантириш сигналларини, юриш-ту-

риш қоидаларини ҳамда ҳаракат қилиш тартибини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усулларини билиши;

зарур бўлганда, қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга оширишга кўмаклашиши шарт.

Фуқароларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади ҳамда уларнинг зиммасида мажбуриятлар бўлади.

5-боб. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш тизими

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (бундан буён матнда Фавқулодда вазиятлар давлат тизими деб юритилади) томонидан таъминланади.

Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ваколатларга эга бўлган ёки зиммасида мажбуриятлар бўлган вазирликларнинг, давлат кўмиталарининг, идораларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг ҳамда ташкилотларнинг бошқарув органларини, кучлари ва воситаларини бирлаштиради.

Фавқулодда вазиятлар давлат тизими ҳудудий, функционал ва ахборот-бошқарув қуйи тизимларидан иборат, шунингдек республика, маҳаллий ҳамда объект даражасига эга бўлади.

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг таркиби ва фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

20-модда. Фавқулодда вазиятлар давлат тизимини бошқариш

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимини бошқариш:

республика даражасида — махсус ваколатли давлат органи;

маҳаллий даражада — махсус ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмалари;

объект даражасида — объект раҳбари томонидан амалга оширилади.

21-модда. Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг режимлари

Прогноз қилинган ёки рўй берган фавқулодда вазиятнинг қўлами ва ҳолатига қараб муайян ҳудудда Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг қуйидаги режимлари ўрнатилади:

кундалик режим — муайян ҳудудда, объектда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи мавжуд бўлмаганда;

юқори тайёргарлик режими — фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи мавжуд бўлганда;

фавқулодда вазият режими — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ва фавқулодда вазиятлар даврида.

Юқори тайёргарлик ва фавқулодда вазият режимлари рўй берган фавқулодда вазиятнинг турига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг, шунингдек тегишли объектлар раҳбарларининг қарорлари билан жорий этилади.

22-модда. Фавқулодда вазиятлар давлат тизими кундалик режимининг асосий тадбирлари

Фавқулодда вазиятлар давлат тизими томонидан кундалик режимда амалга ошириладиган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат:

атроф табиий муҳитнинг ҳолати, хавф даражаси юқори бўлган объектлардаги ва уларга туташ ҳудудлардаги вазият устидан назорат қилиш ҳамда кузатиш, рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни прогноз қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича мақсадли ва илмий-техник дастурлар ҳамда тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш, эвакуация қилинган аҳоли вақтинча жойлаштирилган жойларда уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш бўйича тадбирларни режалаштириш, шунингдек тегишли тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга доир тадбирларни режалаштириш;

аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва муҳофазаланиш усулларига ўргатиш;

аҳолига хабар беришнинг ва уни хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизими шайлигини таъминлаш ҳамда назорат қилиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш ҳамда уларнинг ўрнини тўлдириб бориш;

суғуртанинг мақсадли турларини амалга ошириш.

23-модда. Фавқулодда вазиятлар давлат тизими юқори тайёргарлик режимининг асосий тадбирлари

Фавқулодда вазиятлар давлат тизими томонидан юқори тайёргарлик режимида амалга ошириладиган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида давлат бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва ташкилотларга хабар бериш, шунингдек аҳолини хабардор қилиш;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати, хавф даражаси юқори бўлган объектлардаги ва уларга туташ ҳудудлардаги вазият устидан мониторингни кучайтириш, фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши эҳтимолини, кўламлари ҳамда оқибатларини прогноз қилиш;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши мумкин бўлган ҳудудларда уларнинг рўй бериши хавфини баҳолаш учун тезкор гуруҳларни ташкил этиш, таҳдид солувчи омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбирларни ва, зарур бўлганда, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилишни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар шароитларида аҳолини ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек турар жой биноларининг, ҳаёт таъминоти тизимларининг, объектлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш чораларини кўриш;

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимига кирадиган давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг кеча-кундуз навбатчилигини ташкил этиш;

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимига кирадиган давлат бошқаруви органларининг ва ташкилотларнинг тезкор бошқарув бўлинмалари ўртасида ахборот алмашинувини кучайтириш;

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг кучлари ва воситаларини шай ҳолатга келтириш, фаолиятни юқори тайёргарлик режимига ўтказиш, уларнинг ҳаракатлари режаларини аниқлаштириш ҳамда зарур бўлганда, уларни фавқулодда вазиятлар рўй бериши мумкинлиги тахмин қилинаётган ҳудудга йўналтириш.

24-модда. Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фавқулодда вазият режимининг асосий тадбирлари

Фавқулодда вазиятлар давлат тизими томонидан фавқулодда вазият режимида амалга ошириладиган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида давлат бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва ташкилотларга хабар бериш, шунингдек аҳолини хабардор қилиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир режаларни амалга киритиш;

аҳолининг, моддий ва маданий қимматликларнинг хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинишини ташкил этиш;

фавқулодда вазият зонасининг чегараларини белгилаш, ўраб олиш (тўсиб қўйиш), унга кириш-чиқиш режимини ва унда ҳаракатланиш режимини белгилаш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун кучларни жалб этиш, мазкур тузилмалар томонидан фавқулодда вазиятларнинг кенгайишига йўл қўймасликка ва уларнинг бирламчи сабабларини бартараф этишга доир ишларни, қутқарув ишларини ҳамда кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга ошириш;

иқтисодиёт объектларининг барқарор фаолият кўрсатишини, шунингдек жабрланган аҳолининг ҳаёт фаолияти шароитларини таъминлаш ишларини ташкил этиш;

фавқулодда вазиятлар зоналарида атроф табиий муҳитнинг ҳолати, авария объектларидаги ва уларга туташ ҳудудлардаги вазият юзасидан мониторинг олиб бориш;

эвакуация қилинган аҳолини вақтинчалик жойлаштириш ва унинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш ҳамда аҳолининг вақтинча бандлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

фавқулодда вазиятлар зоналарида эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларини бажариш;

инфратузилма объектларини тиклаш, ижтимоий аҳамиятга молик объектларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;

жабрланган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

25-модда. Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш

Аҳолини мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида, ишлаб чиқаришда ҳамда яшаш жойида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир.

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг раҳбарларини ва мутахассисларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида, малака ошириш муассасаларида, курсларда, махсус ўқув-услугият марказларида ҳамда иш жойида амалга оширилади.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашга доир тадбирларга услубий раҳбарлик ва уларни назорат қилиш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

26-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб этиш

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни

тарғиб этиш, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча ташкилотлар томонидан таъминланади.

27-модда. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан прогноз қилиш

Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан прогноз қилиш Фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашиш ва прогноз қилишнинг ягона тизимига кирувчи давлат бошқаруви органлари ҳамда ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар мониторингининг ва ушбу вазиятларни олдиндан прогноз қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятларга олиб келувчи потенциал манбаларни барвақт аниқлаш, улар устидан тизимли кузатув ва назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар мониторингига ва уларни прогноз қилишга доир ахборотни, шунингдек уларнинг рўй бериши ҳамда оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда ва автоматлаштирилган тарзда алмашишни таъминлаш;

фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли табиий, техноген ва экологик жараёнларнинг ривожланиш эҳтимолини, хусусиятлари ҳамда кўламини олдиндан прогноз қилиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга, шунингдек уларнинг оқибатларини камайтиришга оид тавсияларни ишлаб чиқиш.

28-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот

Фавқулодда вазиятларнинг прогнозлари, уларнинг рўй бериши ва оқибатлари, тегишли ҳудудлардаги радиациявий, кимёвий, тиббий-биологик, ёнғин-портлаш, сейсмик ва экологик хавфсизлик тўғрисидаги, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган бошқа омиллар ҳақидаги маълумотлар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни ташкил этади.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот очиқдир.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этиш тақиқланади.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот билан таъминлаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

29-модда. Аҳолини фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилиш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият орган-

лари ва ташкилотлар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳолати, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар, прогноз қилинаётган ёки рўй берган фавқулодда вазиятлар, улардан муҳофазаланиш усуллари тўғрисида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан махсус техника воситалари орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор қилиши шарт.

Аҳоли фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида дарҳол хабардор қилинади. Ахборотда фуқароларга бундай вазиятларда ҳаракат қилиш ва зарур муҳофаза чораларини бажариш тартиби етказилади.

Аҳолини фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар бериш ва хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизими, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

Фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисидаги ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақидаги ахборот республика ва маҳаллий телевидение ҳамда радио каналлари орқали дарҳол хабар қилинади.

30-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат экспертизаси

Хавф даражаси юқори бўлган объектлар, техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб объектлар лойиҳа ҳужжатларининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан давлат экспертизаси махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

31-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари улардан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун шошилинч тарзда фойдаланиш мақсадида олдиндан яратилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг прогнозидан, фавқулодда вазиятларнинг кўламидан, шунингдек ҳудуднинг табиий, иқтисодий ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар томонидан яратилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари фавқулодда вазиятларни бартараф этишга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларининг махсус захираларини, кийим-кечакларни, дори воситаларини, тиббий буюмларни, тиббий техникани, қурилиш материалларини, нефть маҳсулотларини, умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларини ҳамда бошқа моддий ресурсларни, шунингдек фавқулодда вазиятларни бартараф этиш чоғидаги қутилмаган харажатларнинг ўрнини тўлдириш учун мўлжалланган пул маблағларини ўз ичига олади.

6-боб. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тартиби**32-модда. Фавқулодда вазиятларни эълон қилиш**

Фавқулодда вазиятларни эълон қилиш:

маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли қарорлари;

республика миқёсидаги ва трансчегаравий фавқулодда вазиятларда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятни эълон қилиш махсус ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида тақдим этиладиган ахборот асосида амалга оширилади.

33-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилиш

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилиш:

локал фавқулодда вазиятларда — ҳудудида фавқулодда вазият рўй берган ташкилотнинг раҳбари белгиллаган масъул ходим томонидан;

маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятларда — махсус ваколатли давлат органи ҳудудий бўлинмасининг раҳбари ёки рўй берган фавқулодда вазиятнинг хусусиятига қараб, тегишли соҳада давлат бошқарувини амалга оширувчи вазирликнинг, давлат қўмитасининг ва идоранинг ҳудудий бўлинмаси раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг қарори асосида;

республика миқёсидаги ва трансчегаравий фавқулодда вазиятларда — махсус ваколатли давлат органининг раҳбари ёки рўй берган фавқулодда вазиятнинг хусусиятига қараб, тегишли соҳада давлат бошқарувини амалга оширувчи вазирликнинг, давлат қўмитасининг ва идоранинг раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахслардир.

34-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахсларнинг ваколатлари

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун жалб қилинган барча кучлар ва воситаларни бошқариш, шунингдек уларнинг биргаликдаги ҳаракатларини ташкил этиш фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахслар томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахсларнинг ваколатлари:

локал фавқулодда вазиятларда — ҳудудида фавқулодда вазият рўй берган ташкилотнинг раҳбари томонидан;

маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятларда — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан;

республика миқёсидаги ва трансчегаравий фавқулодда вазиятларда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фавқулодда вазиятлар зонасига биринчи бўлиб етиб келган қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг раҳбарлари фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахсларнинг ваколатларини ўз зиммасига олади ҳамда ушбу раҳбарлик қилувчи шахслар етиб келгунига қадар мазкур ваколатларни амалга оширади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахслар одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлганда қуйидаги қарорларни мустақил равишда қабул қилишга ҳақли:

эвакуация тадбирларини ўтказиш тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар зоналаридаги объектларда ва ҳудудларда қутқарув ишларини олиб бориш ҳақида;

фавқулодда вазиятлар зоналарига киришни, шунингдек уларда ҳаракатланишни чеклаш тўғрисида;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун фавқулодда вазиятлар зоналаридаги ташкилотларнинг моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш ҳақида;

штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ва жамоат қутқарув тузилмаларини, шунингдек қутқарув ишларини амалга оширишга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, мазкур тузилмалар таркибига кирмайдиган қутқарувчиларни фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларни амалга оширишга жалб этиш тўғрисида;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун вояга етган фуқароларни ихтиёрийлик асосида жалб этиш ҳақида;

фавқулодда вазиятлар кўламининг кенгайиб бориши ва уларни бартараф этишга доир ишларнинг бориши билан боғлиқ ҳолда бошқа зарур чораларни кўриш тўғрисида.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахсларнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган қарорлари, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фавқулодда вазиятлар зоналаридаги барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахсларнинг фаолиятига уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирмасдан ва раҳбарликни зиммасига олмасдан ёки бошқа мансабдор шахсни тайинламасдан туриб аралаштиришга ҳеч ким ҳақли эмас.

Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлган тақдирда,

фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахслар ўзи қабул қилган қарорлар тўғрисида тегишли давлат бошқаруви органларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва ташкилотларни дарҳол хабардор қилиш юзасидан барча чораларни кўриши шарт.

Фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахслар, кутқарув хизматларининг ва кутқарув тузилмаларининг раҳбарлари фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир ишларни ташкил этиш учун зарур бўлган фавқулудда вазиятлар тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Қутқарув ишларини тўлиқ ҳажмда олиб бориш технологик жиҳатдан мумкин бўлмаган тақдирда, фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахслар биринчи навбатда фавқулудда вазиятлар зоналаридаги одамларни қутқариш бўйича барча мумкин бўлган чораларни кўргач, қутқарув ишларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

35-модда. Фавқулудда вазият зонасининг чегараларини белгилаш

Фавқулудда вазият зонасининг чегаралари фавқулудда вазиятлар турларига мувофиқ фавқулудда вазиятни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилувчи шахс томонидан аниқланади ҳамда ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича тегишли раҳбарларнинг қарорлари билан белгиланади.

36-модда. Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун кучлар таркиби

Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун кучлар махсус ваколатли давлат органининг ҳарбий, ихтисослаштирилган ўт ўчириш-қутқарув бўлинмаларидан, Фавқулудда вазиятлар давлат тизими таркибига кирувчи давлат бошқаруви органларининг ва ташкилотларнинг тегишли тузилмалари ҳамда бўлинмаларидан иборатдир.

37-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулудда вазиятларни бартараф этиш чоғида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш;

фавқулудда вазиятлар зоналарида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек объектлар, ҳудудлар, моддий ва маданий қимматликларнинг қўриқланишини ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш.

38-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазият зонасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

аҳолини хабардор қилиш, ҳудуддаги зарур участкаларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш) бўйича чоралар кўриш, қаровсиз қолган мол-мулкни қўриқлаш;

соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда фавқулодда вазиятларда ҳалок бўлган одамларнинг ҳисобини юритиш.

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятларда жабрланганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек фавқулодда вазият зонасига дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника тезкор етказиб берилишини таъминлаш;

эпидемиялар ва пандемиялар шароитларида карантин тадбирларини ташкил этиш, тиббий, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар зонасидаги атроф-муҳитнинг радиоактив, кимёвий, захарловчи моддалар ва бактериал (биологик) воситалар билан ифлосланишини назорат қилиш.

40-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

трансчегаравий фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи бўлганда ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда, шу жумладан эпидемиялар ва пандемияларда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан биргаликда чегарадош давлат ҳудудида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

трансчегаравий фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи бўлганда ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан биргаликда чегарадош давлат ҳудудида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсиз жойларга эвакуация қилинишини ташкил этиш ёки уларни Ўзбекистон Республикасига қайтариш, шунингдек ҳалок бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жасадларини Ўзбекистон Республикасига жўнатиш чораларини кўриш;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи бўлганда ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда Ўзбекистон Республикасининг тегишли органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларига ёрдам кўрсатишни ташкил этиш.

41-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазият зонасидаги аҳолини ва эвакуация қилинган аҳолини қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш;

фавқулодда вазиятлар зонасидаги қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳимоя қилиш, ўсимликлар орасида юқумли касалликлар (эпифитотиялар) тарқалишининг олдини олиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш.

42-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳолини ҳамда тегишли ташкилотларни сув омборларида ва бошқа гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида хабардор қилиш;

фавқулодда вазиятлар зоналаридаги гидротехника иншоотларини, ирригация ва мелиорация тизимларини тиклаш, тошқин сувларининг хавфсиз ўтказиб юборилишини таъминлаш.

43-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятлар оқибатида бинолар ва иншоотларга етказилган зарарни баҳолаш, шунингдек уларнинг мустаҳкамлик ҳолатини текшириш;

фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган жойларда ва аҳоли пунктларида шахарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш.

44-модда. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятларда шикастланган ичимлик суви таъминоти ва оқова

сувларни чиқариб юбориш тизимларини тиклаш, шунингдек уларнинг фавқулодда вазиятлар шароитларида барқарор ишлашнинг таъминлаш;

фавқулодда вазиятлар натижасида шикастланган уй-жой коммунал хўжалиги объектларини тиклаш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш.

45-модда. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳолини фавқулодда вазият зонасидан хавфсиз жойларга эвакуация қилишни ташкил этишда иштирок этиш;

эвакуация қилинган аҳолини ҳисобга олишда ва вақтинчалик жойлаштиришда иштирок этиш.

46-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш чоғида ҳаёт фаолиятини тиклашга доир ишларни бажаришга банд бўлмаган аҳолини жалб этиш;

эвакуация қилинган аҳолини вақтинчалик иш билан таъминлаш чораларини кўриш.

47-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятлар натижасида шикастланган энергетика тизимларини тиклаш ва уларни таъмирлашни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар зонасидаги аҳолини, ишлаб чиқаришга оид ҳамда ижтимоий объектларни электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлашни ташкил этиш;

қутқарув ва авария-тиклаш ишлари учун етарли миқдорда ёқилғи-энергетика ресурсларини ажратиш.

48-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва эвакуация тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган қутқарув тузилмаларининг, кучлар ва воситаларнинг, ҳарбий бўлинмаларнинг, махсус техниканинг ҳамда моддий ресурсларнинг биринчи навбатда ташилишини таъминлаш;

фавқулодда вазиятлардаги эвакуация тадбирлари даврида ташишларни амалга ошириш учун эвакуация поездлари, автотранспорт воситалари ажратилишини ташкил этиш, бузилган автомобиль йўлларини, шунингдек транспорт инфратузилмаси объектларини тиклаш.

49-модда. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга ошириш чоғида коммуникацияни ва ахборот алмашишни таъминлаш;

аҳолига фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида ўз вақтида хабар бериш учун мобиль алоқа операторлари орқали ахборот (маълумот) етказилишини ташкил этиш.

50-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фавқулодда вазиятлар зонасида очиқ сув ҳавзаларидаги сувнинг ифлосланиши, саноат объектлари ҳамда бошқа объектлар томонидан зарарли моддаларнинг атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши ва чиқиндиларнинг жойлаштирилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

51-модда. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳайвонлар орасида юқумли касалликлар (эпизоотиялар) оммавий равишда тарқалишининг олдини олишга доир тадбирларни ташкил этади ҳамда амалга оширади, шунингдек эпизоотияларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

52-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазият рўй берган жойлар ҳамда фавқулодда вазият таъсирига тушувчи ҳудудлар рельефининг компьютер модулларини ишлаб чиқиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишга раҳбарлик қилувчи шахсни фавқулодда вазият рўй берган ҳудуд тўғрисидаги геодезик ва картографик ахборот, шунингдек ер-кадастр хариталари билан таъминлаш.

53-модда. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятни бартараф этишга раҳбарлик қилувчи шахсни фавқулодда вазият рўй берган жойдаги гидрометеорологик шароитлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;

хавфли гидрометеорологик ҳодисалар прогнозини тайёрлаш.

54-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фавқулодда вазиятлар натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳамда баҳолаш ишларини ташкил этади.

55-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг оммавий ахборот воситалари орқали фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилинишини махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда ташкил этиш;

аҳолининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида мунтазам равишда хабардор қилинишини таъминлаш.

56-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини жалб этиш

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси

Президентининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг кучлари ва воситалари жалб этилиши мумкин.

57-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларнинг тугатилиши

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишлар фавқулодда вазиятларни бартараф этишга раҳбарлик қилувчи шахснинг тақдимномаси асосида, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича тегишли раҳбарнинг қарори билан тугатилади.

Фавқулодда вазият бартараф этилганидан кейин давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар фуқароларнинг ҳаёт фаолиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларининг фаолият кўрсатишини тиклаш ҳамда атроф табиий муҳитни соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириши шарт.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

58-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

59-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 824–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 221-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида**»-**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 825–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 222-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрда қабул қилинган «**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–258-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 338-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–365-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **20-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрда қабул қилинган «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–597-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 891-модда) **8-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4-сонга илова) **111-моддаси**.

60-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

61-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

62-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 август,
ЎРҚ-790-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

302 Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Маҳалла институти имкониятларидан кенг фойдаланиш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳар бир маҳалла учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланмайдиган Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасини (кейинги ўринларда — жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

а) қуйидагилар жамғармалар маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

маҳалланинг мол-мулкни белгиланган тартибда ижарага беришдан олинadиган маблағлар;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилadиган маблағлар;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси тавсияси асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан ажратилadиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари (кредит, грант, беғараз ёрдам ва бошқалар);

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 августда эълон қилинган.

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) қуйидагилар жамғармалар маблағларидан молиялаштириладиган асосий йўналишлар ҳисобланади:

маҳалла ҳудудидаги ички йўллар, электр энергияси ва табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш;

маҳалла биноси, маҳалла ҳудудида жойлашган спорт майдони, нуронийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;

маҳалла ҳудудида инфратузилмани ривожлантириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларнинг турар жойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.

3. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

а) 2023 йил 1 январга қадар:

Кадастр агентлиги билан биргаликда ҳар бир маҳалланинг аниқ чегаралари белгиланишини;

Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда маҳаллаларнинг ягона классификатори ишлаб чиқилиб, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин;

б) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллалар ташкил этилиши мезонларини улар ҳудудидаги хонадонлар сонидан келиб чиққан ҳолда белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Молия вазирлиги билан биргаликда доимий равишда жамғармалар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳамкорликда ишларни олиб борсин ва 2023 йил 1 январга қадар амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–168-сон қарорининг 3-бандига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири в.б. Т.А. Худайбергенов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилот-

лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 август,
ПҚ-353-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 16 августдаги
ПҚ-353-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил
18 мартдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада
қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга
оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-168-сон
қарорининг 3-бандига киритилаётган қўшимчалар**

1. «в» кичик банд «таксимланади» сўзидан кейин «, ушбу банднинг «г» кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда, тегишли маҳаллаларнинг Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаларига ўтказилади.»

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ****303 Кripto-биржада крипто-активлар савдоларини амалга
ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3379*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бую-
раман:**

1. Кripto-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2022 йил 18 июль,
33-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
истикболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2022 йил 18 июлдаги
33-сон буйруғига
ИЛОВА

Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар крипто-биржада крипто-активлар савдоларини ташкил этиш ва амалга ошириш қоидаларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

мижозлар — крипто-биржа билан крипто-биржада крипто-активлар бўйича операцияларни амалга ошириш учун шартнома тузадиган жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан чет эллик жисмоний ва юридик шахслар;

клиринг — крипто-биржа мижозларининг ўзаро мажбуриятларини белгилаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олишга доир операциялар мажмуаси, шунингдек улар ўртасида амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоблар;

котировкалаш варағи — крипто-биржа томонидан белгиланган мезонларга мос келадиган ҳамда крипто-активлар савдоларига рухсат этилган крипто-активлар рўйхати;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) — клиринг электрон тизими орқали крипто-биржа битимлари бўйича клиринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи крипто-биржанинг таркибий бўлинмаси;

ХККП иккиламчи ҳисобварағи — крипто-биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ҳамда битимлар бўйича ҳисоб-китоблар ўтказиш учун очилган крипто-биржанинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисобварақлари;

фойдаланувчининг индивидуал рақами (бундан буён матнда ФИР деб юритилади) — клиринг иштирокчисига бериладиган махсус хос рақам;

виртуал ҳисобварақ — крипто-биржанинг ХККПда клиринг бўйича операцияларни амалга ошириш учун очилган махсус ҳисобварақ;

тўғридан-тўғри савдолар майдончаси — крипто-биржанинг электрон платформаси таркибидаги крипто-активларни сотиб олиш ва сотиш бўйича битимларни амалга ошириш учун мўлжалланган электрон майдонча;

ўзаро ўзгармас токенлар савдоси майдончаси — крипто-биржа электрон платформаси таркибидаги ўзаро ўзгармас токенларни чиқариш ва муомалага киритиш бўйича операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган электрон майдонча;

токен — крипто-активнинг бир тури бўлган, смарт-контракт асосида бошқариладиган, маълум бир активга бўлган мажбуриятни ёки мулк ҳуқуқини

тасдиқлаш учун мўлжалланган маълумотларнинг тақсимланган реестридаги ҳисоб бирлиги;

смарт-контракт — рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома;

таъминланган токен — бирор-бир моддий ва (ёки) бошқа мулк билан таъминланган токен;

ўзаро ўзгармас токен — моддий ва (ёки) бошқа мулк билан таъминланмаган, мулкдорнинг рақамли шаклдаги ноёб контентга (матн, аудиовизуал, мусиқий, фотографик асарлар, шунингдек тасвирий санъат асарлари ва бошқалар) бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи крипто-активнинг алоҳида тури;

барқарор токен — қиймати хорижий валютанинг номинал қийматига тенг бўлган таъминланган токеннинг тури;

токенни чиқариш — токеннинг пайдо бўлишига қаратилган ташкилий-техник тадбирлар;

таъминланган токенни чиқаришни рўйхатдан ўтказиш — чиқарилган таъминланган токенларни листинг қилиш мақсадида рўйхатдан ўтказиш;

листинг — крипто-биржа томонидан крипто-активларни крипто-биржанинг электрон платформасида муомалага чиқариш учун рухсат бериш жараёни;

делистинг — крипто-биржа томонидан листинг қилинган крипто-активларни крипто-биржанинг электрон платформасида муомаладан чиқариш жараёни;

таъминланган токеннинг дастлабки таклифини жойлаштириш — фаолиятни молиялаштириш ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида крипто-биржанинг электрон платформасида таъминланган токенларни сотиш учун муомалага чиқариш;

крипто-ҳамён — крипто-активларни сақлаш ва бошқариш учун мўлжалланган дастурий ёки дастурий-техник восита;

крипто-ҳамён манзили — маълумотларнинг тақсимланган реестридаги крипто-активларни бир крипто-ҳамёндан бошқасига юбориш ва қабул қилиш бўйича операцияларни амалга ошириш учун ишлатиладиган рақамлар, ҳарфлар ва белгилардан ташкил топган ноёб комбинация;

клиринг иштирокчиси — акцепт йўллаган ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ҲККПда рўйхатдан ўтган крипто-биржа мижози;

савдолар иштирокчилари — крипто-биржа томонидан крипто-активлар савдоларида қатнашишга рухсат этилган мижозлар;

крипто-активлар савдолари — крипто-биржанинг электрон платформасида крипто-активларни миллий ва (ёки) хорижий валютада олди-сотди ёки бир турдаги крипто-активларни бошқа турдаги крипто-активларга айирбошлаш битимларини тузиш жараёни;

крипто-биржанинг электрон платформаси — крипто-биржанинг қуйидагилар амалга ошириладиган ахборот тизими ва (ёки) дастурий-аппарат мажмуаси:

крипто-активлар савдоларида қатнашиш учун талабномаларни қабул қилиш, назорат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш учун талабномаларни қабул қилиш, назорат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

тўғридан-тўғри савдолар майдончасида крипто-активлар савдоларида иштирок этиш учун талабномаларни қабул қилиш, назорат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

крипто-активларнинг листинги ва делистингини амалга ошириш;

таъминланган токенларнинг дастлабки таклифини жойлаштириш ва сақлаш;

ўзаро ўзгармас токенларни муомалага киритиш;

крипто-активларни сотиб олишга, сотишга ва (ёки) айирбошлашга қаратилган битимларни амалга ошириш;

крипто-активлар нархларни эълон қилиш;

крипто-активлар билан битимлар тузилиши натижасида савдолар иштирокчиларининг мажбурият ва талабларини белгилаш, шунингдек ушбу битимларнинг ижросини таъминлаш;

крипто-активлар билан тузилган битимлар бўйича ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш ва шакллантириш;

крипто-активлар билан битимларни тузиш ва ижроси учун зарур бўлган маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва ошкор қилиш;

крипто-активлар савдоларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа вазифалар;

крипто-активларни сотиш ва сотиб олишга қаратилган йирик битим (бундан буён матнда йирик битим деб юритилади) — крипто-биржа электрон платформасининг тўғридан-тўғри савдолар майдончасида крипто-активларни миллий ва (ёки) хорижий валютада сотиш ва сотиб олишга қаратилган, умумий миқдори битимни тузиш кунда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч минг бараваридан ортиқ бўлган операция;

крипто-активлар ҳақида инсайдер ахборот — крипто-активлар, уларни яратган ва жойлаштирган шахслар, крипто-активлар билан тузилган битимлар ҳақидаги оммавий бўлмаган ҳамда унга эга бўлган шахсларни бошқа мижозларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган ахборот;

крипто-активлар нархлари билан ҳийла-найранг ишлатиш — крипто-активларнинг нархларини амалдаги бозор шароитларига нисбатан сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш мақсадида крипто-активларга талаб ва (ёки) таклиф, крипто-активларнинг бозор нархлари ёки савдо ҳажмларига жиддий таъсир кўрсатадиган ҳаракатларнинг амалга оширилиши;

крипто-биржанинг охириги бенефициар мулкдори — крипто-биржани бевосита ёки билвосита таъсис этувчи ёхуд унинг устав жамғармасидаги (капиталидаги) улушларига (акцияларига) бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи ёхуд ушбу шахсга бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

2. Кripto-биржа фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия олган юридик шахс мазкур фаолиятни мазкур Қоидалар ва махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга ошириши лозим.

3. Кripto-биржа:

кripto-биржа электрон платформасининг зарур даражада ишлашини таъминлашга;

кripto-биржа ва мижозларнинг kripto-биржадаги пул маблағлари, kripto-активларнинг алоҳида ҳисоби юритилиши ва сақланишини таъминлаш, бунда икки ва ундан ортиқ мижозларнинг пул маблағларини kripto-активларнинг қўшма ҳисоби юритилишига йўл қўймасликка;

ҳар куни кун якуни бўйича мижозлар томонидан амалга оширилган битимлар (операциялар) ҳақида барча маълумотларнинг захира нусхасини яратишга;

мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ мижозларнинг kripto-активлар савдоларига буюртмаларини уларни бажариш имкони мавжуд бўлганда, шу жумладан kripto-биржа электрон платформасида қарши буюртмалар мавжуд бўлганда ижросини таъминлашга;

кripto-биржа электрон платформасининг зарур даражада ахборот хавфсизлигини таъминлашга;

кripto-биржа ишчилари ва улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида бевосита kripto-биржа фаолиятини амалга ошириш учун жалб қилинган шахсларнинг kripto-биржа фаолиятини тартибга солувчи, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва kripto-биржа томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжатларини (бундан буён матнда локал ҳужжат деб юритилади) билиш даражасини доимий ошириб боришга;

кripto-биржа мижозларининг kripto-биржадаги пул маблағлари, kripto-активларни қайтариш (ўтказиш) ҳақидаги кўрсатмаларини, шунингдек мижозларнинг бошқа кўрсатма ва ҳаракатлари амалга оширилишини таъминлашга;

кripto-биржа электрон платформаси орқали операцияларни амалга оширишда савдолар иштирокчиларига уларни мажбурий идентификациядан ўтказиш механизмининг жорий этганидан ва kripto-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ бошқа чораларни қўллаганидан сўнг рухсат беришга;

кripto-активларни реклама қилишда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган талабларга риоя қилишга;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларни бажаришга мажбур.

Кripto-биржа қўйидаги жараёнларни тартибга солишни назарда тутувчи қоидаларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаши лозим:

кripto-активларни листинги ва делистинги;

фаолиятни молиялаштиришга ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида таъминланган токенларни дастлабки таклифини жойлаштириш;

ўзаро ўзгармас токенларни муомалага киритиш.

4. Крипто-биржа крипто-активлар савдолари билан боғлиқ битимлар устидан доимий назоратни амалга оширади.

Крипто-биржа томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларнинг бузилганлиги аниқланганда, уларни тўхтатиш ҳамда келгусида қайтарилмаслиги бўйича чоралар кўрилиши лозим.

Крипто-биржа томонидан аниқланган қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар бузилишининг ҳар бир факти ҳақидаги ахборот ушбу факт аниқланган санадан бошлаб камида беш йил давомида сақланиши лозим.

Ваколатли органнинг сўровномалари бўйича крипто-биржа сўровномани олган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмасдан ваколатли органга қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш факти ҳақидаги ахборотни тақдим этиши лозим.

Жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, крипто-биржа дарҳол ваколатли орган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ёзма равишда хабар беришга мажбур.

5. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари крипто-биржанинг электрон платформасида:

крипто-активлар билан крипто-биржада крипто-активлар савдоларининг барча турларини миллий валютада, жумладан крипто-активларни тўғридан-тўғри савдолар майдончасида сотиш ва сотиб олишга қаратилган битимларни амалга ошириши;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари билан фақатгина крипто-активларни сотишга доир операцияларни хорижий валютада амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Сотиб олиш объекти сифатида крипто-активларни танлаш ва бу танловнинг тегишли оқибатлари сотиб олувчининг ўз таваккалчилигидир.

6. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ўзаро ўзгармас токенларни хорижий крипто-биржалар ва платформаларда бошқа турдаги крипто-активларга айирбошлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан ўзаро ўзгармас токенларни хорижий крипто-биржалар ва платформаларда айирбошланганлиги натижасида қабул қилинган крипто-активлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерларининг (бундан буён матнда хизматлар провайдерлари деб юритилади) электрон платформаларида сотилади.

7. Крипто-биржа крипто-депозитарий фаолиятини мазкур фаолият тури учун алоҳида лицензия олган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда, крипто-биржа мазкур фаолият доирасида таъминланган токенларни чиқариш ва (ёки) чиқарилган токенларни рўйхатга олиши мумкин.

Крипто-депозитарий фаолиятини амалга ошириш жараёнида крипто-биржа томонидан таъминланган токенларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш, таъминланган токенларни дастлабки таклифини жойлаштириш ва муомалага киритиш, жумладан қуйидагиларни:

крипто-биржада таъминланган токенларни дастлабки таклифини жой-

лаштирган шахс томонидан шартнома мажбуриятларида назарда тутилган ҳолларда ва миқдорда қайтиб сотиб олинишини таъминлаш;

чиқарилган токенларнинг номланиши ёки рамзларида «давлат», «давлат томонидан таъминланган», «давлат томонидан қўллаб-қувватланган», «Ўзбекистон», «ўзбек», «миллий», «сўм (UZS)» ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг номларини тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда, шунингдек уларнинг бирликларидан фойдаланган ҳолда, исталган тилда ва ҳар қандай шаклда ишлатишни тақиқлашни назарда тутувчи тартибни тасдиқлаши лозим.

8. Кripto-биржа кrypto-депозитарий фаолиятини амалга оширишда:

таъминланган токенларни чиқаришни рўйхатга олиш ва жойлаштиришга қаратилган фаолиятни амалга оширадиган юридик шахсларнинг раҳбарлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда уларнинг вакилларини мазкур Қоидаларнинг 14-бандида назарда тутилган шахслар тоифасига кириш ёки кирмаслигини аниқлашга;

таъминланган токенларни дастлабки таклифини жойлаштириш мақсадида уларни таъминлаш учун киритилган моддий ва (ёки) бошқа мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширувдан ўтказишга мажбур.

9. Кripto-биржаларда:

барқарор токенларни чиқариш ва чиқаришни рўйхатга олиш;

токенларни дастлабки таклифини жойлаштириш мақсадида таъминланмаган токенларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва муомалага киритиш тақиқланади.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кrypto-активларни миллий ва (ёки) хорижий валютага сотиш ва сотиб олиш ҳамда кrypto-активларни бошқа кrypto-активларга айирбошлаш бўйича операцияларини хизматлар провайдерларидан ташқарида амалга ошириш тақиқланади, бундан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

11. Кripto-биржада тузилган битимлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга кrypto-биржа электрон платформасида амалга оширилган кrypto-активлар савдолари тўғрисидаги маълумотлар асос бўлади.

2-боб. Мижозлар билан муносабатларни ўрнатиш тартиби

12. Кripto-биржа мижозлар билан муносабатларни шартнома асосида ўрнатади.

Шартномада куйидагилар назарда тутилиши лозим:

мазкур Қоидаларнинг 4-бандида назарда тутилган маълумотларни ваколатли органга юборилиши;

мижозлар билан музокараларнинг аудио- ёки видеоёзуви уларнинг розилиги билан олиб борилиши, шу жумладан ёзишмаларнинг ёзиб борилиши ҳамда ушбу маълумотларнинг камида беш йил давомида сақланиши;

мазкур Қоидаларнинг 5-бандида назарда тутилган талаблар;

мазкур Қоидалар ва қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талаблар.

13. Мижоз билан муносабатларни ўрнатиш учун крипто-биржа қўйидаги маълумотларни сўраб олади:

жисмоний шахсдан — шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

якка тартибдаги тадбиркордан — шахсини тасдиқловчи ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси;

юрidik шахсдан — давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси, жойлашган жойи, раҳбарияти ҳақидаги ҳамда таъсис ҳужжатларидаги маълумотлар;

мижоз билан алоқа ўрнатиш учун контакт маълумотлар (электрон почта манзили ва бошқа контакт маълумотлар);

қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

14. Қўйидагилар билан крипто-биржа муносабат ўрнатишга ҳақли эмас:

воёга етмаган шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан террорчилик фаолиятида ёки оммавий қиргин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатида киритилган шахслар.

15. Крипто-биржа ва унинг мижози ўртасида муносабат ўрнатилганда, мижозга крипто-биржа электрон платформасида мижоз, унинг крипто-биржада сақланаётган пул маблағлари ҳамда крипто-активлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ҳисобга олиш ёзуви (аккаунт) яратилади.

Бир мижозга икки ва ундан ортиқ ҳисобга олиш ёзув (аккаунт)ларни очиш тақиқланади.

16. Қонунчилик ҳужжатлари ёки мазкур Қоидаларга зид бўлмаганда, крипто-биржа ўз номи ва ҳисобидан крипто-активлар савдоларни амалга ошириш учун ҳар қандай мижозга крипто-активлар савдоси иштирокчиси мақомини тақдим этишга (крипто-активлар савдосига рухсат этишга) ҳақли.

17. Крипто-биржа жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан мижозларга қўйидаги маълумотларни етказишга мажбур:

мижоз билан муносабат ўрнатиш шартлари, шу жумладан тегишли шартнома матни (бунда крипто-биржа мижозга крипто-биржага тўланаётган мукофотнинг ундириш шакли, миқдори ва тартибини тушунтириши лозим);

крипто-биржа томонидан крипто-активларни листинг қилишга қаратилган битимларни амалга ошириш (ташқил этиш) жараёнида «White rare» декларациясининг мазмуни.

18. Мазкур Қоидаларнинг 16-бандида кўрсатилган маълумотлар жисмоний ва юридик шахсларга улар билан муносабатлар ўрнатиш жараёнида ёки ундан олдин оғзаки ёки ёзма шаклда етказилиши керак.

Крипто-биржа веб-сайтининг бош саҳифасида мазкур Қоидаларнинг иловасида кўрсатилган маълумотлар жойлаштирилиши лозим.

3-боб. Крипто-активлар савдоларини ташкил этиш

19. Крипто-биржа мижозларга ўзининг электрон платформасига крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш учун киришга рухсат бериш орқали крипто-активлар савдосини ташкиллаштиради.

Крипто-биржанинг электрон платформасига киришга рухсат фақатгина шартнома асосида тақдим этилади.

Мазкур Қоидалар ва локал ҳужжатларга мувофиқ крипто-активлар савдолари қоидаларини бузганлиги учун савдолар иштирокчиси сафидан чиқарилган мижоз уч ой давомида савдолар иштирокчиси бўла олмайди.

Мижозларнинг крипто-активлар савдоларига, жумладан крипто-биржанинг бошқа хизматлари («спот», «маржинал» савдолари ва бошқалар) ва маҳсулотларига киришига рухсат бериш, шунингдек крипто-активлар савдолари иштирокчилари сафидан чиқариш локал ҳужжатлар билан белгиланади.

20. Крипто-биржа:

крипто-активлар савдоларини амалга ошириш жараёни шаффофлиги, шунингдек уларнинг натижасида юзага келадиган мажбуриятлар ижросини таъминлаши;

крипто-биржанинг электрон платформасида таъминланган токенларни дастлабки таклифини жойлаштириш мақсадида таъминланган токенларни таъминлаш учун киритилган моддий ва (ёки) бошқа мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширувдан ўтказиши шарт.

21. Крипто-биржа мазкур Қоидалар ва локал ҳужжатларга мувофиқ крипто-активлар ҳақида инсайдер ахборотларни ишлатиш, уларнинг нархлари билан ҳийла-найрангларни аниқлаш, олдини олиш, тўхтатишга, шунингдек уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриши шарт.

Крипто-активлар ҳақидаги инсайдер ахборотдан фойдаланиш деганда мазкур ахборотдан шахсий мақсадларда, шу жумладан ўз номи ва ҳисобидан крипто-активлар савдоларида иштирок этиш мақсадида фойдаланиш, шунингдек учинчи шахсларга тақдим этиш тушунилади, бундан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Крипто-активлар ҳақидаги инсайдер ахборотга эга бўлган шахсларга куйидагилар қиради:

крипто-активларни яратган ва жойлаштирган ташкилотнинг бошқарув органлари аъзолари ва бошқа ишчилари;

крипто-активларни яратган ва листингни амалга оширган шахс;

крипто-активларни яратган ва жойлаштирган шахсга ёки савдо иштирокчисига аудиторлик хизматини кўрсатадиган аудиторлик ташкилотининг ходимлари;

ўзининг хизмат мавқеи, меҳнат мажбуриятлари ёки крипто-активлар-

ни яратган ва жойлаштирган шахслар билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида мазкур маълумотга эга бўлган бошқа шахслар.

22. Кripto-биржа локал ҳужжатларига мувофиқ фақатгина ўзининг крипто-активлар савдоларида иштирок этиши тўғрисидаги маълумотни ошкор қилганидан, унинг иштироки туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар кўрилганидан ва ошкор қилинганидан сўнг крипто-активлар савдоларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

23. Битимларни тузиш учун савдо иштирокчиси ёки крипто-биржа крипто-биржанинг электрон платформасида крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш ҳақидаги талабномани жойлаштиради.

Кripto-активни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш ҳақидаги талабномани бериш тартиби локал ҳужжатлар билан белгиланади.

Мижозларнинг крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш ҳақидаги талабномаси крипто-биржа томонидан уларнинг талабларига жавоб берадиган қарши талабнома мавжуд бўлганида ижро этилиши шарт. Талабномаларнинг бажарилишини қарши талабнома мавжуд бўлганидан кейин кечиктириш, уларнинг шартларини ўзгартириш ёки бекор қилишга йўл қўйилмайди.

24. Кripto-активлар билан савдони (ҳисоб-китобларни) амалга ошириш учун савдолар иштирокчиси ХҚКПга тегишлича пул маблағлари ва (ёки) крипто-активларни ўтказди.

Савдолар иштирокчисининг пул маблағлари ва крипто-активлари крипто-биржа ҳамда бошқа савдолар иштирокчиларининг пул маблағлари ва крипто-активларидан алоҳида ҳисобга олиниши керак.

25. Кripto-биржа ҳар куни крипто-активлар савдоларида қатнашган ҳар бир миқдор бўйича крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш юзасидан тузилган битимлар ва уларнинг суммаси, шунингдек крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш ҳақидаги талабномалар ижро этилганлиги ва ижро этилмаганлиги тўғрисида ҳисобот тузиши лозим.

Ҳисобот тузилганидан кейин ҳар бир миқдор томонидан амалга оширилган битим ва операцияларга уларни қайд қилиш учун ноёб код берилади.

Ҳисобот тайёрланган кундан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланиши шарт. Ҳисоботларни сақлаш тартиби локал ҳужжатлар билан белгиланади. Ҳисоботларга тузатиш ва ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Кripto-биржа ҳисоботни қуйидагиларга беғараз шартлар асосида тақдим этиши шарт:

миқдорларга — тегишли сўровни олган санадан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмаган ҳолда, уларга тегишли ҳажмда;

ваколатли органга — унинг сўровида кўрсатилган ҳажмда ва муддат давомида.

26. Кripto-биржа крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш бўйича тузилган битимларнинг бажарилишини таъминлайди.

Савдолар иштирокчиси томонидан крипто-активлар савдоларида крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш бўйича битим тузилганда, крипто-биржа ушбу битимнинг ижро суммасини (сони) ушбу савдолар иштирокчисининг ҲККП иккиламчи ҳисобварағида ёки крипто-ҳамёни манзилида сақланаётган пул маблағлари, крипто-активларидан айириб ташлаши ҳамда савдолар иштирокчисининг контрагентига бириктириши лозим.

Крипто-биржа мижоздан олинган мукофотни ундиришни крипто-активлар савдоларида қатнашиш шартномасида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида амалга оширади.

27. Крипто-биржа мижознинг розилиги асосида унинг пул маблағлари ва крипто-активлари билан мижознинг топшириқлари (кўрсатмалари) мавжуд бўлмаганда, ўз номидан ва ўз манфаатларини кўзлаб қуйидаги ҳолларда битимлар тузишга ҳақли:

крипто-биржанинг ликвидликка таъминлашга, яъни мижозлари олдидаги қабул қилинган (ёки қабул қилиниши режалаштирилган) мажбуриятларини бажариши учун унинг мижози бўлмаган контрагентларидан пул маблағлари ва крипто-активларни олганида;

мазкур битимларнинг тузилиши натижасида крипто-биржанинг мижозларидан олинган пул маблағлари ва крипто-активларни тўлиқ ҳажмда қайтариб беришга етарли ишонч ҳосил қилганида.

Томонлар келишган муддатда пул маблағлари ва крипто-активлар крипто-биржа томонидан қайтарилиши лозим. Мижознинг маблағларини ишлатганлик учун шартномада фоиз ундириш назарда тутилиши мумкин.

28. Крипто-биржа ўзининг электрон платформасида тегишли миқдордаги крипто-активларни (ёки шунга тенг миқдордаги бошқа крипто-активларни) томонлар келишган муддатда қайтариб бериш шarti билан ўзининг крипто-активларини мижозларига битимларни тузиш ва мажбуриятларини бажариш учун ишлатишга рухсат бериш ҳуқуқига эга. Крипто-биржа ўзининг крипто-активларидан мижозлар томонидан фойдаланганлик учун фоиз ундиришга ҳақли.

4-боб. Тўғридан-тўғри савдоларни амалга ошириш

29. Крипто-биржа мижозларга тўғридан-тўғри савдолар майдончасига киришга рухсат бериш орқали крипто-активларни сотиш ва сотиб олишга қаратилган операцияларни амалга оширишни ташкиллаштиради.

Тўғридан-тўғри савдолар майдончасига киришга рухсат мазкур Қоидалар ва локал ҳужжатлар билан белгиланган талабларга мувофиқ алоҳида шартнома асосида тақдим этилади.

30. Крипто-биржа крипто-активлар билан тўғридан-тўғри савдоларнинг амалга ошириш жараёни шаффофлиги, шунингдек уларнинг натижасида юзга келадиган мажбуриятлар ижросини таъминлаши лозим.

31. Мижознинг йирик битимлари фақатгина тўғридан-тўғри савдолар майдончасида крипто-активларни сотиш натижасида олинган маблағларни

мижознинг унга хизмат кўрсатадиган тижорат банкидаги ҳисобварағига ўтказиш орқали амалга оширилади.

32. Тўғридан-тўғри савдолар майдончасида битимлар қўйидаги тартибда амалга оширилади:

крипто-активларни сотувчи ўзининг шахсий кабинетида крипто-активларнинг нархига бўлган талаблари ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисобварақ реквизитларини кўрсатган ҳолда крипто-активларни сотиш учун буюртма тузади;

крипто-биржа сотувчининг крипто-активларини битим амалга оширилгунига ёки сотувчининг мазкур крипто-активларни қайтариш ҳақидаги сўровномаси қабул қилингунига қадар тўғридан-тўғри савдолар майдончасида сақлаб туради;

харидор буюртмани қабул қилиб, маблағларни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳисобвараққа миллий ёки хорижий валютада ўрнатилган тартибда ўтказилади;

харидор ўзининг шахсий кабинети орқали маблағларнинг ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхасини ўтказманинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тақдим этади (илова қилади);

сотувчи ўзининг ҳисобини текшириб, маблағларнинг тўлиқ қабул қилинганига ишонч ҳосил қилади ҳамда шахсий кабинетида крипто-биржага крипто-активларни харидорга жўнатилишига рухсат беради.

Крипто-биржа тўғридан-тўғри савдолар майдончасида маблағларни крипто-биржанинг ХҚКП орқали ўтказган ҳолда ўзининг ва (ёки) топшириқ шартномаси асосида мижозларнинг номидан ҳамда ҳисобидан крипто-активлар билан савдо-сотик битимларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

33. Битимни бекор қилиш, маблағларни қайтариш ёки бошқа низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

34. Тўғридан-тўғри савдолар майдончасида крипто-активларни сотиш ва сотиб олиш бўйича битимларни тузиш сотувчи ва харидорнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

35. Крипто-биржа тўғридан-тўғри савдолар майдончасида битимларни амалга оширганлик учун фоиз белгилаши ва ундириши мумкин.

36. Крипто-биржа мазкур Қоидаларга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри савдолар майдончасида томонлар ўртасида битимларнинг зарур тарзда ташкил этилиши учун жавобгардир.

5-боб. Мижозлар билан воситачилик муносабатлари асосида битимлар тузиш

37. Крипто-биржа қўйидаги тартибда мижозларнинг манфаатларини кўзлаб, биржа битимлари орқали воситачилик муносабатларини ўрнатиб, крипто-активларни сотиш, сотиб олиш ва (ёки) айирбошлаш бўйича битимларни тузиш ҳуқуқига эга:

топшириқ шартномаси асосида мижозларнинг номи ва ҳисобидан;

комиссия шартномаси асосида ўзининг номидан ва мижозларнинг ҳисобидан;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулда.

38. Кripto-биржа мазкур Қоидаларнинг 37-бандида назарда тутилган битимларни:

ўзининг электрон платформасида;

бошқа чет эл крипто-биржаларининг электрон платформаларида ва савдо тизимларида тузишга ҳақли.

Кripto-биржа мазкур битимларни тузишда мижозларнинг манфаатларини кўзлаб:

қонунчилик ҳужжатларига ва мижозлар билан тузилган шартнома шартларига риоя қилган ҳолда виждонан, оқилона ва малакали тарзда ҳаракат қилиши;

мижозларни битимлар билан боғлиқ таваккалчиликлар, уларни ҳар бирининг моҳияти ва даражаси тўғрисида хабардор қилиши;

мижозлар учун энг мақбул шартлар асосида ва энг яхши нархда битимлар тузиши;

тегишли крипто-активлар учун нархлар бозор нархидан сезиларли даражада фарқ қилган (10 фоиздан ортиқ) тақдирда, агар ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича мижоз билан келишилган бўлмаса, битимлар тузмаслиги лозим.

Бунда, крипто-биржа крипто-активлар учун бозор нархини аниқлаш тартибини мижоз билан тузилган шартномада кўрсатиб ўтиши шарт.

6-боб. Кripto-биржада ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш тартиби

1-§. ҲККПиинг мақоми, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

39. ҲККП крипто-биржанинг таркибий бўлинмаси бўлиб, юридик шахс мақомига эга эмас ҳамда крипто-биржа номидан мазкур Қоидаларда назарда тутилмаган ҳар қандай мустақил операция ва ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқисиз иш олиб боради.

40. ҲККП қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

клиринг иштирокчиларини рўйхатга олади;

клиринг иштирокчиларига ҳисобварақларнинг очилиши ва юритилишини таъминлайди;

битимлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлайди;

ўзаро мажбуриятларини белгилайди, аниқлаштиради ва ҳисобга олади, шунингдек клиринг иштирокчиларининг тузилган битимлар бўйича мажбуриятлари ҳисобини алоҳида-алоҳида юритади;

клиринг яқунларига кўра, зарур ахборотни шакллантиради ва клиринг иштирокчиларига тақдим этади;

клиринг амалга ошириладиган битимлар, клиринг натижалари тўғриси-

даги ахборотнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ сақланишини таъминлайди;

тузилган битимлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

крипто-биржа ҳисоб рақамига пул тушумлари киримини таъминлайди.

41. ҲККП қуйидаги ҳуқуқларга эга:

клиринг ўтказиш усулини мустақил танлаш;

клиринг иштирокчиси битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, шунингдек крипто-биржанинг арбитраж ва/ёки интизом комиссияларининг клиринг иштирокчисига крипто-активлар савдоси қоидалари ёки шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жарима қўллаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлганда айбдор клиринг иштирокчисининг виртуал ҳисобварағидан жарима суммасини ацептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш;

битимлар қайд этилиши билан крипто-биржанинг воситачилик йиғимларини ҳисобдан чиқариш;

клиринг иштирокчиларидан ҳисоб-китоб-клиринг операциялари учун зарур ахборот олиш.

42. ҲККП қуйидагиларга мажбур:

фақат крипто-биржада рўйхатга олинган битимлар ва улар билан боғлиқ операциялар (воситачилик йиғимлари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа харажатлар) бўйича ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

ҳар бир клиринг иштирокчиси мажбуриятларининг ҳисоби алоҳида-алоҳида юритилишини таъминлаш;

битим мазмуни тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигини таъминлаш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, ушбу ахборотни клиринг иштирокчиларининг розилигисиз учинчи шахсларга тақдим этмаслик.

43. ҲККП томонидан крипто-биржа электрон платформасида амалга ошириладиган операциялар бўйича барча ҳаракатлар, шу жумладан крипто-биржа электрон платформаси иштирокчиларнинг виртуал ҳисобварағидаги маблағлар ҳисоби бўйича вазифалар олиб борилиши лозим.

44. ҲККП ва клиринг иштирокчиларига ҲККП ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланган ҳолда, пулли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш бўйича операцияларни амалга ошириш тақиқланади.

2-§. Клиринг иштирокчиларини рўйхатга олиш

45. ҲККП локал ҳужжатларда кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни олгандан кейин бир иш куни давомида крипто-биржа мижозига битимлар бўйича мажбуриятларни ва талаб ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур бўлган ФИРни беради ҳамда тегишли виртуал ҳисобварақни очади.

46. ҲККП мазкур Қоидаларнинг 69-бандида назарда тутилган ҳолатларда клиринг иштирокчисига хизмат кўрсатишни тўхтатади.

3-§. ҲККПда ҳисобварақларни юритиш тартиби

47. Кripto-биржа хизмат кўрсатувчи банкда клиринг иштирокчиларининг пул маблағлари ҳисоби учун мўлжалланган ҲККП иккиламчи ҳисобварағини очади, уларнинг ҳисоби ҲККПда алоҳида виртуал ҳисобварақларда юритилади.

48. ҲККП клиринг иштирокчиларининг виртуал ҳисобварақлари ҳисобини юритади.

49. Клиринг иштирокчисининг виртуал ҳисобварағини ёпиш ҲККП томонидан ҳисобварақ эгаси (ёки унинг ҳуқуқий вориси) топшириғи бўйича амалга оширилади, мазкур Қоидаларнинг 69-бандидаги ҳоллар бундан мустасно.

50. Виртуал ҳисобварақни ёпишдан олдин ундаги қолдиқ пул маблағлари банкдаги ҳисобварақ эгасининг ҳисоб рақамларига унинг топшириғига кўра ўтказилади.

Виртуал ҳисобварақни ёпиш фақат ҳисобварақда қолдиқ пул маблағлари бўлмаганда амалга оширилади.

51. Виртуал ҳисобварақ реквизитларини ўзгартириш клиринг иштирокчисининг номи ёки бошқа реквизитлари ўзгарганда амалга оширилади.

52. Виртуал ҳисобварақ эгаси ҲККПда қўйидагилар бўйича кўрсатмалар беришга ҳақли:

пул маблағларини (пул маблағларининг бир қисмини) виртуал ҳисобварақдан хизмат кўрсатувчи банкдаги ўзининг ҳисобварағига қайтариш;

агар битим крипто-биржа локал ҳужжатлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган бўлса битим бўйича клирингни амалга ошириш.

53. ҲККП фақат битимлар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ операциялар бўйича виртуал ҳисобварақлар орқали пул маблағлари ўтказмаларини амалга ошириши мумкин.

4-§. Клиринг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

54. Клиринг иштирокчиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:
крипто-биржа томонидан рўйхатга олинган битимлар бўйича клирингда иштирок этиш;

виртуал ҳисобварақнинг ҳолати, мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида зарур ахборотни олиш;

крипто-биржа ва контрагентлар олдидagi пул мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш;

ўз виртуал ҳисобварағидаги бўш пул маблағларини ўзининг хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварағига чиқариш.

55. Клиринг иштирокчисининг мажбуриятлари:

ҲККПга мазкур Қоидаларга мувофиқ ишончли ахборотни бериш;
шартнома бекор қилинган тақдирда, шартнома бекор бўлгунга қадар юзага келган мажбуриятларни бажариш;

ахборот махфийлиги тартибига риоя қилиш;

мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилиш.

56. ҲҚКПнинг клиринг иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлиги клиринг хизмати кўрсатиш шартномаси асосида амалга оширилади.

57. Кripto-биржа ва клиринг иштирокчилари ўртасидаги клиринг ва ҳисоб-китоб бўйича, шунингдек клиринг иштирокчиларининг шартномавий мажбуриятлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

5-§. Клирингни ўтказиш тартиби

58. Клиринг иштирокчилари рўйхатдан ўтганларидан кейин ҲҚКПнинг крипто-биржага хизмат кўрсатувчи банкда очилган иккиламчи ҳисобварағига крипто-биржада крипто-активлар савдоларида иштирок этиш ҳамда ўз мажбуриятларини бажариш учун пул маблағларини ўтказадилар.

59. Клиринг иштирокчиси закат сифатида ва/ёки битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун пул маблағларини крипто-биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲҚКПнинг иккиламчи ҳисобварағига иштирокчининг виртуал ҳисобварағига кирим қилиш учун ўтказадилар. Закат миқдори локал ҳужжатлар билан белгиланади.

60. ҲҚКП ҳар бир клиринг иштирокчисининг пул маблағлари ва мажбуриятларини уларнинг виртуал ҳисобварақларида алоҳида ҳисобга олади.

61. Клиринг иштирокчиларининг ҲҚКП виртуал ҳисобварақларидаги маблағлари қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб учун;

савдо сессияларида иштирок этиш учун закат сифатида;

мижознинг топшириғига кўра — клиринг иштирокчисининг маблағларини унга хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварағига қайтариш учун;

биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун;

битимларнинг тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бошқа ҳолатларда.

Битимлар бўйича ҳисоб-китоблар фақат клиринг электрон тизими орқали амалга оширилади, бундан мазкур Қоидаларнинг 4-бобида белгиланган ҳоллар мустасно.

62. Электрон клиринг тизими ҳар бир савдо сессиясидан олдин буюртмаларнинг таъминланганлиги бўйича назоратни амалга оширади. Буюртмаларнинг таъминланганлигини назорат қилиш савдо сессиялари доирасида тузиладиган битимларга буюртмалар бўйича амалга оширилади.

63. Клиринг электрон тизими тузилган битимлар реестрига асосан клиринг иштирокчиларининг мажбуриятларини белгилайди ва закатларга тақиқ қўяди. Кripto-биржанинг воситачилик йиғимлари крипто-биржа томонидан белгиланган тарифларга асосан ушлаб қолинади.

64. Битим рўйхатга олингандан сўнг харидор шартномада белгиланган муддатларда битим бўйича мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун ҲҚКПнинг

иккиламчи ҳисобварағига қўшимча маблағлар ўтказиши шарт. Ушбу суммага ҲККП томонидан мажбуриятларнинг сотувчи томонидан тўлиқ бажарилгунига қадар тақиқ қўйилади.

65. Тўловлар амалга оширилган битимлар рўйхати сотувчига крипто-активларни ўтказиб бериш учун асос бўлади.

66. Клиринг иштирокчиси — сотувчи томонидан крипто-активлар ўтказиб берилганлиги ҳақида ҲККПга дарҳол ахборот берилади. Ушбу битим бўйича сотувчи ва харидорларнинг пул маблағлари клиринг иштирокчиси — харидорнинг крипто-ҳамён манзилига крипто-активлар ўтказиб берилганлиги тасдиқланмагунга қадар тақиқда қолади.

6-§. Тузилган крипто-биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш тартиби

67. Тузилган битимларни ёпиш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади: клиринг иштирокчилари — сотувчи ва харидор томонидан битим бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилганда;

клиринг иштирокчиси — сотувчи ва харидор томонидан битим бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ва улар томонидан жарима тўлангандан сўнг;

клиринг иштирокчилари — сотувчи ва харидор жарима тўлаб ёки тўла-масдан битимни ёпишга ўзаро рози бўлганда;

арбитраж комиссиясининг қарорига кўра:

клиринг иштирокчилари — сотувчи ва харидорнинг шартномада кўрсатилган муддат давомида эътирозлари бўлмаганда, жарималарсиз.

68. Агар шартнома шартларида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин клиринг иштирокчиси битим бўйича мажбуриятларини бажармаса, ҲККП:

харидор томонидан шартномада белгиланган тўлов тўланмаганлиги учун шартномани бекор қилади;

арбитраж комиссиясининг қарорига кўра крипто-активларнинг ўтказиб берилмаганлиги учун шартномани бекор қилади;

клиринг иштирокчиси — сотувчи ёки харидорнинг ҳисобварағига, шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун закат миқдоридagi жаримани ўтказди.

7-§. Клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатиш

69. Қўйидаги ҳолатларда ҲККП клиринг иштирокчисига клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатади ва унинг виртуал ҳисобварағини ёпади:

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома бекор қилинганда;

клиринг иштирокчиси тугатилганда;

суд ва бошқа ваколатли органларнинг қарорига кўра.

70. Крипто-биржа пул маблағларини ҲККП орқали ўтказиш, савдолар иштирокчиси номига ҳисобга олинган крипто-активларни унинг банк ҳисобварағига ёки крипто-ҳамён манзилига ушбу иштирокчи талабига биноан

крипто-активлар савдосида иштирок этиш тўғрисидаги шартномада белгиланган тартиб ва муддатга мувофиқ ўтказилишини таъминлайди.

Крипто-активлар билан боғлиқ операция шубҳали деб топилган тақдирда, пул ўтказмалари ҳамда крипто-активларни ўтказиб бериш крипто-биржа томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг олдини олиш чоралари кўрилганидан кейин амалга оширилади.

7-боб. Яқунловчи қоида

71. Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидаларига
ИЛОВА

Крипто-биржа веб-сайтига жойлаштириладиган АХБОРОТ

1. Крипто-биржа тўғрисидаги умумий маълумот (бошқарувчилар, яратилиш тарихи ва бошқалар).

2. Ваколатли орган томонидан белгиланган талабларга жавоб берадиган крипто-активларни сотишнинг умумий шартлари.

3. Крипто-биржа фаолиятида вужудга келадиган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тартиби ҳақидаги локал ҳужжат.

4. Крипто-биржа ҳаракати (ҳаракатсизлиги)дан норози бўлганда, мижоз қайси ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эканлиги тўғрисида маълумот (шу жумладан, мижознинг судга мурожаат қилиш ва медиация орқали низо-ни ҳал қилиш имконияти ҳақидаги ҳуқуқи кўрсатилиши лозим).

5. Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳажмда крипто-биржа фаолиятининг рекламасида кўрсатилиши талаб қилинадиган маълумот.

6. Крипто-активлар савдолари бўйича қуйидаги маълумотлар:

а) крипто-активларни сотиш вақти, котировкалаш варағи;

б) крипто-активлар билан крипто-биржа электрон платформасида илгари амалга оширилган битимлардаги нархлар ҳақида (тарихий котировкалар). Ушбу нархлар жойлаштириш (ошкор қилиш) санасидан олдинги уч йилдан кам бўлмаган давр бўйича, агар крипто биржа фаолиятини бошлаганига уч йилдан кўп ўтмаган бўлса, унинг бутун фаолият даври бўйича кўрсатилади;

в) крипто-биржанинг крипто-активлар савдоларида иштирок этганлиги ва крипто-биржа томонидан қабул қилинган ушбу иштирок натижасида келиб чиқадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чоралар ҳақида;

г) крипто-биржа, унинг ходимлари, таъсисчиси (иштирокчиси) ёки охириги бенефициар мулкдорининг эгалигида бўлган, крипто-активлар савдоларига рухсат этилган крипто-активлар тўғрисидаги маълумот қўйидаги ҳолатларда эълон қилиниши шарт:

агар крипто-биржа, унинг ходими, таъсисчиси (иштирокчиси) ёки охириги бенефициар мулкдорининг эгалигидаги крипто-активларнинг сони крипто-биржадаги крипто-активларнинг умумий сонининг беш ва ундан кўп фоизини ташкил қилса;

крипто-биржа, унинг ходими, таъсисчиси (иштирокчиси) ёки охириги бенефициар мулкдори крипто-активларни ўз манфаатига кўра чиқариш учун буюртмачи бўлганда ва (ёки) крипто-активларни чиқарганда.

7. Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидаларига мувофиқ ҳисоботларни сақлаш (депонентлаш) бўйича хизмат кўрсатадиган ташкилотнинг номи, жойлашган жойи, электрон почта манзили ва телефон рақами ҳақидаги маълумот.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

304 Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3380*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бюроман:**

1. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 августда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 июль,
32-сон

Ўзбекистон Республикаси
истикболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2022 йил 14 июлдаги
32-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар
провайдерлари фаолиятини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

крипто-актив — маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган, қиймати ва эгасига эга мулкӣ ҳуқуқ;

маълумотларнинг тақсимланган реестри — маълумотларни ихтисослаштирилган блокларда тақсимловчи технология бўлиб, бунда ҳар бир янги блок олдинги блок билан криптографик имзо орқали боғланади;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари (бундан буён матнда хизматлар провайдерлари деб юритилади) — жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан уларнинг номидан крипто-активларни сотиб олиш, сотиш, айирбошлаш, сақлаш, чиқариш, жойлаштириш ва бошқариш бўйича хизматларни кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар;

крипто-биржа — крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш учун электрон платформани тақдим этувчи ташкилот;

майнинг-пул — майнинг жараёнини таъминлаш мақсадида ҳисоблаш қувватларини бирлаштирувчи электрон платформани тақдим этувчи ташкилот;

крипто-депозитарий — крипто-активларни чиқариш, уларни дастлабки жойлаштириш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот;

крипто-дўкон — крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот;

охирги бенефициар мулкдор — хизматлар провайдерини бевосита ёки билвосита таъсис этувчи ёхуд унинг устав жамғармасидаги (капиталидаги) улушларига (акцияларига) бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи ёхуд ушбу шахсга бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс.

2. Хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (бундан буён матнда лицензияловчи орган деб юритилади) томонидан мазкур Низомнинг 1-илова-сида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш учун намунавий лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — юридик шахсларига берилади.

4. Хизматлар провайдерлари фаолиятининг турлари қуйидагилардан иборат:

- крипто-биржа;
- майнинг-пул;
- крипто-депозитарий;
- крипто-дўкон.

5. Хизматлар провайдерлари фаолиятининг ҳар бир тури бўйича алоҳида лицензия берилади.

6. Лицензия чекланмаган муддатга берилади.

7. Хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи лицензия берилган вақтдан бошлаб вужудга келади.

8. Лицензияни бошқа юридик шахсга бериш тақиқланади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

9. Қуйидагилар хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлашган электрон платформа ва (ёки) техник ҳамда дастурий воситалар мажмуининг мавжудлиги;

б) крипто-активлар билан боғлиқ барча операциялар бўйича маълумотларни, платформа иштирокчиларининг идентификация маълумотларини, хизматлар провайдерларининг платформа иштирокчилари билан муносабатларига оид материалларни (шу жумладан, платформа иштирокчилари ўртасида), шунингдек иш ёзишмаларини беш йил давомида сақлаш;

в) крипто-активлар айланмаси, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролларининг тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиш ҳамда шахсга доир маълумотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

г) мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги рекламага қўйиладиган талабларга риоя қилиш;

д) яширин майнинг (махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш орқали учинчи шахсларнинг ҳисоблаш қувватларида, уларга билдирмаган ҳолда ёки розилигисиз майнингни амалга ошириш бўйича фаолият) ҳамда аноним крипто-активлар билан операцияларни, шу жумладан аноним крипто-активлар майнингини (анонимлик принципи бўйича ишлаётган крипто-активлар) амалга оширмаслик;

е) платформа фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни лицензияловчи органнинг сўровига биноан бепул тақдим этиш;

ж) қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

з) хизматлар провайдерларини:

террористик фаолиятда ёки оммавий қиргин қуролларини тарқатишда иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган;

иктисодий жиноятлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қиргин қуролларини тарқатиш, уларни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, коррупция ва ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги олиб ташланмаган ёки ўталмаган шахслар томонидан бошқаришга йўл қўймаслик;

и) хизматлар провайдерларининг устав жамғармасида (капиталида) ушбу банднинг «з» кичик бандида кўрсатилган шахсларнинг ҳамда оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган компанияларнинг иштирок этишига йўл қўймаслик.

10. Қуйидагилар крипто-биржаларга қўйиладиган қўшимча лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

крипто-активларни котировкалашни уларга бўлган талаб ва таклиф асосида амалга ошириш;

ариза берилган санада пул маблағи шаклида базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш минг баравари миқдорида шакллантирилган устав жамғармаси (капитали) мавжудлиги, шундан уч минг бараварини Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида алоҳида ҳисобварақда захирага қўйиш.

11. Крипто-активлар айланмаси ҳамда хизматлар провайдерлари фаолиятига оид рекламада:

а) крипто-активлар Ўзбекистон Республикасида тўлов ва тўловни қабул қилиш воситаси эмаслиги, давлат томонидан таъминланмаганлиги, крипто-активлар билан операцияларни амалга оширишда таваккалчиликлар мавжудлиги, яъни пул маблағлари, крипто-активлар эвазига алмаштирилган бошқа фуқаролик ҳуқуқи объектлари крипто-активларнинг нархлари ўзгарувчанлиги, техник носозлик (хато)лар, қонунга хилоф ҳаракатлар, шунингдек талон-торож қилиш ҳолатлари натижасида бутунлай йўқотилиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш жойлаштирилиши;

б) ўз ичида оферта мавжуд бўлган рекламада шартнома тузишга оид

барча талаблар ҳамда мазкур офертани акцепт қилишга қаратилган барча ҳаракатлар ёритилиши;

в) агарда рекламада бўлиб ўтган, моделлаштирилган ва келажакда бўлиши мумкин бўлган кўрсаткичлар ёритилса, ушбу рекламада истеъмолчиларга мазкур кўрсаткичларнинг аниқ маъноси тушунтирилиши ҳамда улар асосида қилинган хулоса эҳтимолли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилиши;

г) қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлмаслиги шарт:

крипто-актив ва хизматлар провайдерлари хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятнинг самарадорлиги (даромади) ҳақидаги ваъда ёки кафолат, бундан аудиторлик ташкилотининг ушбу фаолиятнинг самарадорлигини (даромади) ўтган давр учун тасдиқловчи маълумотларни рекламада ёритиш мустасно;

бонус ва чегирма ҳақидаги маълумотлар;

крипто-активлар билан битимларни тузиш бойишнинг энгил усули эканлиги ҳақидаги маълумотлар;

крипто-активлар билан боғлиқ фаолиятнинг ўрни профессионал ёки шахсий ютуқларга эришишда муҳимлиги ҳақидаги маълумотлар;

вояга етмаган шахсларнинг образлари;

крипто-актив ёки хизматлар провайдерлари хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятда қатнашмасликни қораловчи билдиришлар.

12. Хизматлар провайдерларининг устав жамғармаси (капитали) фақат улар таъсисчиларининг ўз маблағлари ва бошқа мол-мулкларидан шакллантирилади.

Хизматлар провайдерларининг устав жамғармасини (капиталини) шакллантириш учун кредит ёки гаров ёхуд бошқа маблағлар жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

13. Хизматлар провайдерларининг номланиши ёки рамзларида «давлат», «ҳукуматга оид», «миллий», «Ўзбекистон» ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг номларини тўлиқ ёки қисқартирилган ҳолда, исталган тилда ва ҳар қандай шаклда ишлатилиши тақиқланади.

3-боб. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

14. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), фаолиятни амалга ошириш жойи, электрон почта манзили, банкнинг номи ва банкдаги ҳисобварағи, лицензияланадиган фаолиятнинг тури, ариза тўлдириш сабаби (янги лицензия олиш ёки қайта расмийлаштириш), лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиши тўғрисидаги розилиги акс эттирилган ариза;

б) лицензия талабгорининг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчи ҳақидаги мазкур Низомнинг 2-илласида* келтирилган маълумот-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар. Бунда, таъсисчилар ҳақидаги маълумотлар охирги бенефициар мулкдор-гача кўрсатилади;

в) лицензия талабгорининг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчилари чет эл фуқаролари бўлганда, мазкур Низомнинг 9-банди «з» кичик бандида назарда тутилган жиноятлар бўйича тегишли хорижий мамлакатнинг ваколатли органидан олинган судланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома;

г) крипто-биржа фаолиятини амалга ошириш учун устав жамғармаси (капитали) шакллантирилганлиги ҳамда устав жамғармасининг (капиталининг) тегишли қисми захирага қўйилганлиги ҳақида тижорат банкининг маълумотномаси.

Лицензия талабгорининг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганда, лицензияловчи орган мазкур Низомнинг 9-банди «з» кичик бандида назарда тутилган ҳолатларни ўзи мустақил тарзда текширади.

Мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар лицензия талабгорининг раҳбари томонидан тасдиқланиши (имзоланиши) керак.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

15. Қабул қилинган аризалар тўғрисидаги маълумот лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

16. Лицензияловчи орган томонидан лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

17. Лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси қабул қилинган кундан эътиборан йигирма иш куни ичида қабул қилинади.

18. Таркиби лицензияловчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган эксперт комиссияси ўн беш иш кунидан ошмайдиган муддат ичида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда улар асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида хулоса тайёрлайди.

19. Лицензияловчи орган эксперт комиссияси хулосаси асосида тўрт иш куни ичида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

20. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади.

21. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида расмийлаштирилади.

22. Лицензия QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон

шаклда расмийлаштирилади ҳамда лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Электрон шаклда берилган лицензия манфаатдор шахслар томонидан қоғозда чоп этилиши мумкин. Бунда, қоғозда чоп этилган лицензиялар электрон шаклда берилган лицензияларга тенглаштирилади.

23. Агар лицензиат лицензия берилиши тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида давлат божи тўламаган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

24. Лицензияни бериш тўғрисидаги аризани рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг лицензия талабгори томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ҳамда шартларига мувофиқ эмаслиги;

лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги.

Лицензияни беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

25. Мазкур Низомнинг 24-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, лицензияловчи орган уларни бартараф этиш учун талабгорга муддат беради. Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорига бир иш куни ичида юборилади.

26. Хабарнома тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек лицензия талабгори кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

27. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда, лицензияни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

28. Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран тақдим этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда, лицензияни беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

29. Лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома лицензия талабгорига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва талабгор мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади.

Лицензия талабгори рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

30. Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, лицензияни бериш ёхуд уни беришни рад этиш талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади. Талабгорларнинг аризаларини такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

31. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда лицензияловчи орган томонидан талабгорга илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

32. Лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин талабгор томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва лицензияловчи орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш

33. Лицензиат — юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш куни ичида лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

34. Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айни бир фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар — тадбиркорлик субъектлари қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни мазкур Низомнинг 33-бандида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

35. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар лицензиат томонидан мазкур Низомнинг 14-банди биринчи хатбошисида назарда тутилган тартибда берилади.

36. Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.

37. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, лицензияловчи орган томонидан лицензиялар электрон реестрига (бундан буён матнда лицензиялар реестри деб юритилади) тегишли ўзгартиришлар киритади.

38. Лицензияни қайта расмийлаштириш ҳамда бериш лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган

ҳолда лицензияловчи орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

6-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш

39. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги аниқланганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини унинг зиммасига юкловчи қарори бажарилмаганда.

40. Лицензиянинг амал қилишини ўн кунгача муддатга тўхтатиб туриш лицензияловчи орган томонидан, ўн кундан ортиқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга эса — суд томонидан амалга оширилади.

41. Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф этилиши муддатини белгилаши шарт. Бунда, кўрсатилган муддат лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

42. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай юборилади.

43. Белгиланган муддат ичида лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаб ва камчиликлар бартараф қилинмаса, лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатини узайтириш бўйича ёки лицензияни бекор қилиш ҳақида судга даъво ариза киритади.

44. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф этилган тақдирда, лицензиат бу ҳақда лицензияловчи органга тасдиқнома юборади.

Лицензияловчи орган тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

45. Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, бир иш кунидан ошмаган муддатда лицензиялар реестрида лицензиянинг амал қилиши қайта тикланганлиги ҳақидаги маълумотни жойлаштиради.

46. Агар лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилмаса, лицензиат мазкур муддат ўтгандан сўнг лицензияловчи органни хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

47. Лицензиат ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб турган тақдирда, ли-

цензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Агар лицензиат лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганидан кейин олти ой ичида лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат этмаган бўлса, лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

48. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги ахборот тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш куни ичида лицензиялар реестрига жойлаштирилиши керак.

49. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиялаш тартиби бекор қилинганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан илгари мурожаат этилган бўлиб, мазкур муддат ичида лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат қилинмаган тақдирда.

Лицензиянинг амал қилиши тугатилган ҳолларда лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

50. Лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

юрidik шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юрidik шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юрidik шахсда фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно;

лицензия берилганлиги учун давлат божи белгиланган муддатда тўланмаганда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензияни бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

лицензиат томонидан мазкур Низомнинг 54-бандида белгиланган лицензия талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда;

лицензия қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

51. Лицензияни бекор қилиш мазкур Низомнинг 50-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда лицензияловчи органнинг қарори асосида амалга оширилади.

Лицензия мазкур Низомнинг 50-банди бешинчи — саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд томонидан бекор қилинади.

Лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга лицензияни бекор қилиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда хабар юборади.

52. Лицензия ушбу Низомнинг 50-банди саккизинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

53. Лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга лицензияни бекор қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказди.

Лицензияловчи орган бекор қилинган лицензиялар тўғрисидаги ахборотни бир иш куни ичида лицензиялар реестрига киритади.

54. Лицензия талаблари ва шартларини бир маротаба қўпол равишда бузилишларига қўйидагилар киради:

а) яширин майнингни ҳамда аноним крипто-активлар билан операцияларни, шу жумладан аноним крипто-активлар майнингини амалга ошириш;

б) хизматлар провайдерларини:

террористик фаолиятда ёки оммавий қиргин қуроолларини тарқатишда иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган;

иқтисодий жиноятлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қиргин қуроолларини тарқатиш, уларни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, коррупция ва ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги олиб ташланмаган ёки ўталмаган шахслар томонидан бошқарилиши;

в) хизматлар провайдерларининг устав жамғармасида (капиталида) ушбу банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган шахсларнинг ва оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган компанияларнинг иштирок этиши;

г) кредит ёки гаровга олинган маблағлар ва бошқа маблағлардан хизматлар провайдерларининг устав жамғармасини (капиталини) шакллантириш учун фойдаланиш;

д) крипто-биржа устав жамғармаси (капитали) миқдорини лицензия талаблари ва шартларида белгиланган миқдордан камайтириш;

е) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги серверларда электрон платформа ва (ёки) техник ҳамда дастурий воситалар мажмуини жойлаштириш.

Мазкур банднинг «а» — «е» кичик бандларида кўрсатилмаган лицензия талаблари ва шартларининг бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба бузилишлари мунтазам равишда бузилишлар деб ҳисобланади.

7-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

55. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этили-

ши устидан назорат лицензияловчи орган томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

56. Лицензияловчи орган лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақли:

хизматлар провайдерларидан крипто-активлар айланмаси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини талаб қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки лицензияни бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқариш ва (ёки) судга мурожаат қилиш;

лицензиясиз хизматлар провайдери фаолияти амалга оширилаётганлиги тўғрисида аниқланган фактлар ҳақидаги маълумотларни белгиланган тартибда тегишли органларга қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун юбориш.

57. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

8-боб. Лицензиялар реестри

58. Лицензияловчи орган хизматлар провайдерлари турлари бўйича лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

юрidik шахс — лицензиат номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефони;

таъсисчиларнинг устав жамғармасидаги (капиталидаги) улушлари ҳақида маълумот;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, амал қилишини тугатиш ҳамда бекор қилиш асослари ва санаси.

59. Лицензиялар реестрида мавжуд бўлган маълумотлар лицензиялов-

чи органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

9-боб. Яқуний қоидалар

60. Лицензияловчи органнинг лицензияни беришни рад этиш, амал қилишни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги қарорлари, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

61. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси
истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2022 йил 14 июлдаги
32-сон буйруғига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127, 2019 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3127/2525-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 18 февралдаги 41-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127-1, 2019 йил 22 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2019 й., 10/19/3127-1/2657-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 19 июндаги 111-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127-2, 2019 йил 8 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.07.2019 й., 10/19/3127-2/3389-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 6 декабрдаги 172-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127-3, 2019 йил 20 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2019 й., 10/19/3127-3/4185-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви

миллий агентлиги директорининг 2021 йил 30 апрелдаги 12-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127-4, 2021 йил 17 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.05.2021 й., 10/21/3127-4/0464-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 29 июлдаги 24-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127-5, 2021 йил 5 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.08.2021 й., 10/21/3127-5/0757-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 11 ноябрдаги 34-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1а-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127-6, 2021 йил 22 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2021 й., 10/21/3127-6/1081-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 10 декабрдаги 37-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3127-7, 2021 йил 24 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.12.2021 й., 10/21/3127-7/1197-сон).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 18 июлдаги 33-сон «Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3379.

2. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон «Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3380.